# БУГУН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ ВИКТОР ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНАДИ

# ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОН!


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 июль, чоршанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 142 (1144)


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



*СУРАТДА: қабул пайти.* **Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

25 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фокион Фотиадис раҳбарлигидаги Европа ҳамжамияти комиссияси делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов делегация аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди. Таъсис дастури асосида амалга оширилаётган ибратли ишлар Европа ҳамжамияти билан Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик намунаси эканини қайд этди.

— Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан интеграциялашув тарафдоридир, — деди Президент И. Каримов. — Жумладан, биз яқин келажакда бу ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида ҳужжат имзоланишига умид қиламиз.

Жаноб Фокион Фотиадис Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон билан сиёсий мулоқот олиб бориш ҳақидаги яқинда қабул қилган қарори ҳамжамиятнинг Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятидан далолат эканини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, республика адлия вазири А. Мардиев иштирок этди.

Учрашувда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ҳамда Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари Барбара Хей ва Карло Унгаро ҳозир бўлдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тнани Ридани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Жаноб Тнани Рида элчилик ваколати муддати тугаганини маълум қилар экан, ўтган икки йил давомида Ўзбекистонда буюк ўзгаришлар гувоҳи бўлганини таъкидлади. Қалбининг бир парчаси қолаётган Ўзбекистон яқин келажакда буюк мамлакатлардан бирига айланажагига, Тунис ва Ўзбекистон дўстлиги бундан буён ҳам ривожланишда давом этишига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримов жаноб Тнани Рида Тунис Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганини қайд этди. Унинг ишларига муваффақиятлар тилар экан, Ўзбекистон Тунис билан ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎзА).

• *Расмий ташриф арафасида*

## МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР РАВНАҚИ

***Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар янги, ўзаро манфаатли асосда ривожлана бошлади. Икки мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш йўлида муҳим босқич бўлмоқда. Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В. Черномирдиннинг мамлакатимизга бўлажак ташрифи ҳам икки мамлакат муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлиши кутилмоқда. Биз ташриф арафасида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф. СИДОРСКИЙ билан учрашдик.***

**— Элчи жаноблари, Ўзбекистон ва Россия муносабатларининг бугунги ҳолати ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Мамлакатларимиз халқларининг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги узоқ йиллик тарихга эга. Россия савдогарлари Ўзбекистонга, ўзбек тижоратчилари Россияга азалдан катта қизиқиш билан қараганлар. Қадимий Ипак йўли орқали ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳамкорлик пойдеворини яратди.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, ўзаро манфаатли асосда янгича муносабатлар шакллана бошлади. Айни пайтда Россия билан Ўзбекистон ўртасида ўнлаб шартнома ва битимлар имзоланган. Бу ҳужжатлар ҳамкорликнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Айтиш мумкинки, бу алоқалар тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бироқ ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, қилиниши лозим бўлган манфаатли ишлар талайгина.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам буюк ўзгаришлар даврини, яъни иқтисодиётни бозор муносабатлари йўлига ўтказиш палласини бошдан кечирмоқда. МДҲ давлатларининг барчаси айни замонда нотаниш ва босиб ўтилмаган янги йўлдан бораётир. Бу мураккаб жараённи жиддий йўқотишларсиз босиб ўтишда тарихан шаклланган иқтисодий алоқаларни тиклаш, уларни ўзаро манфаатли асосда тараққий эттириш ғоят муҳимдир. Бу ўринда ислоҳотларни амалга ошириш тажрибасини баҳам кўра бориш фойдали. Шу маънода Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга ташрифи аҳамиятлидир.

**— Ташриф чоғида қандай масалалар муҳокама қилинади?**

— Ўзбекистонда ўтадиган музокаралар чоғида Россия-Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар ривожига назар ташланади, босиб ўтилган йўл, амалга оширилган ишларга хулоса ясалади, қилинажак ишлар белгилаб олинади.

Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам МДҲни ажралишнинг замонавий йўли деб қарамайди. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги унга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаши керак, деган фикрдамиз. Шу боис мамлакатларимизнинг МДҲ доирасида самарали ҳамкорлик қилиши йўлидаги муаммолар музокараларнинг асосий мавзуларидан бири бўлиши табиий.

Афғонистондаги уруш ва Тожикистон чегарасидаги нотинчлик Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликка катта путур етказмоқда. Шу сабабли, 1992 йил 15 майда Тошкентда МДҲ мамлактларининг коллектив хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳақида ҳужжат имзоланган эди. Ташриф чоғидаги мулоқот ва музокараларда минтақавий, шунингдек БМТ ва ЕХҲК каби халқаро муассалар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам фикрлашиб олинади.

**— Маданий алоқаларимиз қандай ривожланмоқда?**

— Мураккаб иқтисодий вазиятда маданият соҳасидаги муносабатларимиз ривожини кўнгилдагидек, дейиш қийин. Бироқ, бу борада ҳам талай ишлар қилинди. Ўзбекистонда ўтказилган халқаро театр фестивалида Моссовет театри вакиллари муваффақиятли иштирок этди. Тошкентда Россиянинг Ф. Киркоров, Е. Петросян, Г. Хазанов каби хонанда ва эстрада саҳнаси усталари гастроллари бўлиб турибди. Биз яқин кунларда Россия фильмлари ҳафталигини ўтказишни режалаштирмоқдамиз. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 2-3 мартда Россия Федерациясига расмий ташрифи чоғида Ўзбекистонда Россия ва Россияда Ўзбекистон кунларини ўтказишга келишилган эди. Умид қиламизки, иқтисодий аҳволимиз яхшилана бориши билан бу эзгу ишларни амалга ошириш имконияти туғилади.

**Амирқул КАРИМ.**
**(ЎзА).**

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

25 июль куни Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия савдо вазири С. Б. Жоедоно раҳбарлигидаги Индонезия ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Индонезия савдо ва саноат палатаси ўртасида иқтисод ва инвестиция соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

Учрашувда Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 1995 йил 23 июль куни 60-Олот сайлов округида бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 37008 сайловчидан 36919 таси ёки 99,8 фоизи иштирок этди.

Шулардан 36618 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,2 фоизи Тўрабек Нўъмонович Долимов номзодини ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида 60-Олот округ сайлов комиссияси тақдим этган баённи кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги республика қонунининг 11, 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 1936 йилда туғилган, ХДП аъзоси, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг раиси, Тошкент давлат университетининг фан бўйича проректори, академик Тўрабек Нўъмонович Долимовни Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олди.

• *Факт ва шарҳ*

## САРАТОН ЁМҒИРИНИНГ САБАБЛАРИ...

***Ёзнинг энг жазирама даври — саратонда 24 ва 25 июль кунлари тушган салқин ва ёмғир республика аҳолисини ажаблантирди.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири республика Гидрометеорология марказининг бошлиғи Тоҳир МУХТОРОВдан бу ҳодисани шарҳлаб беришни сўради.***

— Узоқ йиллик кузатишлар 18 июлдан 25 июлгача бўлган даврда мамлакатимиз ҳудудида кўпинча совуқ ҳаво келишини кўрсатмоқда, — деди у. — Статистика маълумотларига қараганда, 1879 йилдан 1995 йилга қадар бундай ҳол 103 марта қайд этилган. Бу гал иссиқ ҳаво Россиянинг марказий туманлари ва Шимолий Уралдан келган совуқ ва нам ҳаво оқимига қўшилиши натижасида ёғингарчилик юз берди. Одатда июль ойида ўртача 4 миллиметр ёмғир ёғар эди. Бу йил ёғингарчилик миқдори 10 миллиметр кўп бўлди. Ҳуллас, фарқ унчалик катта эмас. Агар 1926, 1954 ва 1969 йилларда июль ойида ўртача меъёрдан 8-10 баравар кўп, яъни 34-38 миллиметр ёмғир ёққанини эсласак, бу йилги саратон ёмғири унча кўп эмаслиги равшан бўлади.

Пайшанба куни саратон яна ўз кучини кўрсатади.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## 1995 ЙИЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ МАВСУМИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1995 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, пахта териш техникасидан фойдаланишнинг янги шаклларига ўтишни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўзмашсаноат» уюшмаси моддий-техника база пахта хомашёсини йиғиштириб олишга тайёрлаб қўйилишини шу йил 20 августгача тугаллашни ҳамда пахта йиғим-терими мавсуми юқори ташкилий даражада ўтказилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 13 январдаги «1995 йил пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосилини етиштириш ва давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши унинг харид ҳажмининг 40 фоизигача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 60 фоизгача пасайтирилганлиги ижро этиш учун қабул қилинсин.

3. 1995 йил пахта ҳосилининг харид нархлари пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон нархларининг камида 60 фоизини ташкил этишидан келиб чиқиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда пахта хомашёсининг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсинлар ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга етказсинлар.

4. Ҳосилни йиғиштириб олишда моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта ҳосилини йиғиштириб олишда қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин: икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 30 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 20 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун — камида 1 сўм 20 тийин. Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар беш кунда ва 10 кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

Хўжаликлар раҳбарларининг эътибори пахта териш учун энг юқори ҳақ юқори сортли пахта энг кўп териб олиниши учун теримчиларни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда йиғим-терим мавсумининг бошидан бошлаб белгиланиши кераклигига қаратилсин.

Марказий банк, «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Мевасабзавотбанк» теримчилар билан, шунингдек, пахтани юклаш, транспортда ташиш ва жойлаштиришда, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар қилиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Ўзкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликларга дефолиантлар келтиришни ва ғўза баргини тўкишни белгиланган ҳажмларда ва муддатларда ўтказишни таъминласинлар.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рафиқов) «Ўзагрокимёсервис» уюшмасининг буюртманомалари бўйича ғўза баргини тўкиш учун етарли миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратсин, зарур ёқилғи заҳиралари ташкил этсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Шу йилнинг 20 августига қадар пахта териш техникасини тўлиқ тайёр ҳолга келтирсинлар, шу жумладан, машиналарни тракторларга тиркаш, юклаш-транспортда ташиш воситаларини тайёрлаш, териш-транспортда ташиш отрядларини механизаторлар ва тузатиш-хизмат кўрсатиш ходимлари билан бутлаш ишларини амалга оширсинлар. Хўжаликларда ва тузатиш корхоналарида двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни айирбошлаш фондлари ташкил этсинлар. Ҳар бир пахта териш машинасини ишга қўйишнинг техникавий талабларига мувофиқ улар тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда комиссия томонидан қабул қилинишини ташкил этсинлар.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида уларни терим-транспорт отрядлари таркибида жамласинлар ва ишлашини ташкил этсинлар.

8. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров) «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг буюртманомаларига мувофиқ ва хўжаликлар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича 1995 йилда 5000 пахта териш машинаси, шу жумладан, 1 октябргача 2000, шунингдек, тракторлар, прицеплар, кўсак териш машиналари ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни таъминласин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) янги пахта териш машиналари базасида машина-трактор парклари ташкил этиш учун бу машиналарни Жиззах (800 та), Сирдарё (600 та) ва Қашқадарё (600 та) туман қишлоқ хўжалиги таъминот-тузатиш бирлашмалари балансига қабул қилсин, зарурат бўлганда хўжаликлардаги мавжуд машиналар ҳам уларга жамлансин.

9. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига — терим машиналари сотиб олишга;

«Ўзагрокимёсервис» уюшмасига — дефолиантлар, минерал ўғитлар ва пестицидлар сотиб олишга;

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасига — хўжаликлардан харид қилинадиган 1995 йил пахта ҳосилига аванс беришга қўшимча оборот маблағларни босқичма-босқич ажратиш тўғрисида таклиф киритсин.

10. Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар Жиззах вилоятига 110 та пахта териш машинаси, шу жумладан, Андижон вилояти хўжаликларидан 50 та машина, Фарғона вилоятидан 60 та машина ва Наманган вилояти хўжаликларидан Сирдарё вилоятига 100 та машина ўтказилсин, ушбу машиналар кейинчалик «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси томонидан қолдиқ қиймат бўйича сотиб олинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари пахта териш техникасини ўтказиш ва улардан фойдаланишга шартномалар тузиш, уларни хўжаликларга бириктириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этсинлар. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) ўтказилган пахта териш машиналарига техника хизмати кўрсатилишини ва улар тузатилишини таъминласин, улар учун эҳтиёт қисмларнинг зарур заҳирасини ташкил этсин.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) пахта териш техникасига вагонлар биринчи навбатда ажратилишини таъминласин, юкларнинг бошқа давлатлар ҳудудидан ўтганлиги учун ўзаро ҳисоб-китоблар масалаларини ҳал этсин.

11. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси (Шаронов) пахта териш машиналарини тиркаш учун тракторларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг разнарядкалари бўйича хўжаликларга етказиб бериш учун Минск мотор ва Владимир трактор заводларидан 1000 тадан двигатель келтирсин.

12. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси (Зикриёев) йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар пахта етиштирувчи хўжаликларга харид қилинадиган пахта қийматининг 25 фоизигача бўлган миқдорда аванс берилишини таъминласин, сумманинг қолган қисми бўйича ҳисоб-китоб қилишни пахта тайёрлов пунктларига топширилгандан кейин мунтазам амалга оширсин.

13. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 1995 йил ҳосилидан олинган пахтани қайта ишлаш жадвалини ишлаб чиқсин, бу ишни 1996 йил 1 июлдан кечиктирмай тугаллашни назарда тутсин.

14. «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров) ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашни тугаллашда хўжаликларга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун заводларни вилоятларга бириктирсинлар.

15. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) ёнилғи-мойлаш материллари 1995 йил сентябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалигига ва пахта тозалаш саноатига йиғим-терим ва транспорт ишларини, кузги шудгорлаш ва кузги дон экинлари экишни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда етказиб берилишини таъминласин.

16. Пахта терими мавсумига тайёргарлик кўришни тугаллаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

17. «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси қишлоқ аҳолисини ва пахта терими қатнашчиларини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Каримов) пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини белгиласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги (Ҳайитбоев) ҳосилни йиғиштириб олиш даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат усталари, ёзувчилар ва шоирларнинг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 25 июль.

*• Расмий ташриф муносабати билан*

# БЕПОЁН ВА САХОВАТЛИ ЎЛКА

***Россия Федерацияси Европанинг шарқи, Осиё қитъасининг шимолида жойлашган йирик давлатлардан биридир. Унинг таркибига 21 та республика, битта автоном вилоят ҳамда 10 та автоном округ киради. Ер майдони 17 миллион 75 минг квадрат километр. Аҳолиси 148,6 миллион киши. Россия Федерацияси ҳудудида 100 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди.***

Давлат бошлиғи Президент ҳисобланади. Бу юксак лавозимни 1991 йил июнь ойидан буён Борис Николаевич Ельцин эгаллаб турибди. Ҳукумат ижрочилик ҳокимиятини амалга оширади. Унинг раиси Виктор Степанович Черномирдиндир.

Мелодий IX асрнинг иккинчи ярмида маркази Киев бўлган биринчи қадимги Рус давлати вужудга келди. Бу давлатнинг равнақи буюк шахслар Владимир Святославич ва Ярослав Мудрий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Улуғ рус халқи печенеглар ва қипчоқлар, мўғул-татар ва шведлар, немислар ва французларга қарши ўз мустақиллиги учун мардона курашган эди. Рус халқи орасидан Александр Невский ва Дмитрий Донской, Минин ва Пожарский, Суворов ва Кутузов, Иван Грозний ва Пётр I, Ломоносов ва Пушкин сингари машҳур саркардалар, давлат арбоблари, олим ва ёзувчилар етишиб чиққан.



1917 йил февраль инқилобидан кейин ўша йили сентябрь ойида Россия Республика деб эълон қилинди. 1922 йилдан бошлаб у СССР таркибида бўлди.

1990 йил 12 июнда Россия Федерациясининг давлат суверенитети ҳақидаги Декларация қабул қилинди. Собиқ СССР парчаланиб кетгач, Россия Федерацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб қолди.

Россия табиий шароити хилма-хил ва табиий ресурсларга жуда бой республикадир. Унинг ҳудудида нефть, газ, кўмир, қалай, никель, алюминий, вольфрам, олтин, графид ва бошқа қазилма бойликларнинг йирик конлари бор. Халқ хўжалиги тизимида саноат, айниқса, оғир саноат ажралиб туради. Электр энергия, кўмир, газ, минерал ўғитлар, газламалар ишлаб чиқаришда дунёдаги кўпгина давлатлардан устун туради. Пўлат, прокат ва цемент ишлаб чиқариш, нефть қазиб олишда энг ривожланган давлатлар билан беллаша олади. Мамлакат шарқида ёқилғи саноати, энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё ва ўрмон саноати ривожланган. Ғарбий Сибирда топилган газ заҳиралари 14 триллион кубометрга етади.



Республикада энергетика, кимё ва нефть кимёси, қора металлургия, рангли металл, машинасозлик ва металсозлик, қурилиш материаллари, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат саноати юксак даражада ривожланган.

Мамлакатда экин экиладиган ер майдони республика ҳудудининг 40 фоизини ташкил этади. Буғдой, арпа, жавдар, зиғир, кунгабоқар, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва полиз экинларидан юқори ҳосил олинади.



Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар жуда қадим замонлардан бошланган. Археологик маълумотларга кўра, эрамиздан аввал ҳам Ўрта Осиё билан Ўрол, Ғарбий Сибир, Волга бўйи халқи ўртасида алоқалар мавжуд бўлган. VIII-X асрларда Тошкент ва Самарқандда забт қилинган тангаларнинг рус ерлари: Москва, Новгород, Реязандан топилиши Марказий Осиёнинг Рус князликлари билан бевосита алоқада бўлганлигини тасдиқлаб турибди. XV асрга келиб қудратли ва мустақил рус давлати билан Ўрта Осиё ўртасида бевосита элчилик муносабатлари ўрнатишга киришилди. Масалан, 1464 йили рус ҳукумати ўз элчиларини биз томонга юборган. 1490 йилда эса Темурийлардан Саид Мирзонинг элчилари Москвага борган. Рус солномаларининг кўрсатишича, XVI асрнинг ўрталарида Урганч, Бухоро ва Самарқанддан элчилар савдо-сотиқни кучайтириш, дўстона муносабатларни давом эттириш учун Россияга ташриф буюрган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг Россия Федерацияси билан иқтисодий, савдо-сотиқ, маданий, илмий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимиз янги босқичга кўтарилди. Икки давлат Президентларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида икки томон учун ҳам манфаатли бўлган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Россия билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимиз кўлами кундан-кунга чуқурлашиб бормоқда. Икки давлатда кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг кейинги уч ойи ичида Ўзбекистонда 10 га яқин ўзбек-рус қўшма корхоналари иш бошлади. «Совпластитал», «Ўзалтайсервис», «Колчуг Зенит» каби ўнлаб қўшма корхоналар ички бозорни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш учун самарали фаолият кўрсатяпти.

1994 йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 триллион 318 миллиард рублга етди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида бу кўрсаткич 198 миллион долларни ташкил этди. Биз Россияга пахта, газ конденсати, мис, мева-чева, полиз маҳсулотлари, турли техник ёғлар, ИЛ-76 типидаги юк ташиш самолётларини етказиб берамиз. Ўз навбатида Россиядан эса нефть маҳсулотлари, ёғоч материаллари, қора металл, саноат ускуналари, енгил ва юк автомобиллари, автобуслар келтирамиз. Ўзбекистонга иқтисодий ёрдамни кучайтириш мақсадида Россиянинг йирик банклари ўз ваколатхоналарини очиш учун шарт-шароитлар билан танишмоқдалар. «Российский кредит» банки республикамизда биринчи бўлиб ўз ваколатхонасини очди. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳам жиддий эътибор бериляпти. Шу йилнинг ўзида барча Ҳамдўстлик мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондан Россиянинг 20 та олий ўқув юртларига ёшларни ўқишга қабул қилиш масаласи ижобий ҳал этилди. Аввалги йиллардагидек, фарзандаримиз Россиянинг Марказий олий ўқув юртларида билим олиб, турли мутахассисликларни эгаллайдилар.

Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси В. С. Черномирдиннинг Ўзбекистонга ташрифи икки халқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деб умид қиламиз.

**Анвар КАРИМОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**





*• Ислоҳот одимлари*

## «ДЎСТЛИК ЙЎЛИ»

*Қурилиши жадал суръатларда юргизилаётган Қўнғирот — Бейнов автомобиль йўли Ўзбекистоннинг шимолий дарвозаси ҳисобланган Қўнғирот шаҳрини қардош Қозоғистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган Бейнов шаҳри билан боғлайди. Бепоён Устюрт дашти орқали ўтадиган янги автойўлнинг келгусида ҳар икки республика юк ва йўловчи ташиш транспортлари тармоғида тутган ўрни катта бўлади. Жами лойиҳавий узунлиги ярим минг километрга яқин бўлган ушбу йўлнинг 330 километри Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келиб, шу кунгача унинг деярли 200 километрида қурилиш ишларига якун ясалган. Ўзбекистон томонидан қурилиш ишларини «Қорақалпоқавтойўл» ҳиссадорлик жамияти йўл қурувчилари олиб боришмоқда. Ҳозирданоқ «Дўстлик йўли» деб ном олган ушбу улкан иншоотни келгуси йилнинг охирларида ишга топшириш мўлжалланаётир.*

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Президент фармонлари қандай бажариляпти?*

# ҚИШЛОҚДА ҚУВОНЧ УЛАШАЁТГАНЛАР

***Ҳали-ҳали ёдимда. Беш, ўн йил муқаддам қишлоқларда икки-уч қаватли уйлар қуриш урф бўлганди. Замона зайли экан-да, одамлар чидашди. Ҳайҳотдай жойлари бўш ётса-да, қишлоқдагилар бошпана зарурияти туфайли тўрт девор ичига кўчиб ўта бошладилар. Тўғри, ўшанда «дом»ларнинг қишлоқ талабига жавоб бермаслиги, унда истиқомат қилувчиларнинг чекаётган азиятлари ҳақида кўп гап бўлганди. Лекин уларнинг ҳаммаси қоғозда қолиб кетаверди. Истиқлол туфайли давр ўзгарди. «Дом»даги қишлоқдошлар томорқа олиб, уй-жой тиклай бошладилар.***

Ахир боғ-роғли ҳовли-жойда яшашга нима етсин. Ўшанда «Колхозстрой» деган ташкилот бўларди. Эндиликда у «Вилжамхўжқурилиш» тресги деб ном олди. Хизмат юзасидан бунёдкорлар билан кўп гаплашганман. Авваллари улар лойиҳада нима бўлса, шуни қуриб кетаверишарди. Қишлоқдагиларнинг талаби чивин чаққанчалик таъсир қилмасди. Бозор иқтисодиётининг талаби уларни ҳам буюртмачилар билан ҳисоблашадиган қилиб қўйди.

Яқинда қўшни қишлоқдаги бир дўстимнинг хонадонида бўлдим. Фермер эмасми, бостирмасини мазкур ташкилотга топширган экан. Ҳовлида тахланиб ётган ёғочларни кўрсатибди.

— Буюртмаларни ўзимизнинг тахталардан қиласизлар, — дебди у.

Қурувчилар унинг гапини қайтаришмабди. Бунёдкорлар энди буюртмачи йўриғига юряптилар. Шу боисдир «Вилоятжамхўжқурилиш» трестига берилаётган талаблар ортиб боряпти. Марҳамат туманидаги М. Тожибоев, А. Қорабоев номли жамоа хўжаликларида қурилаётган уйларни бориб кўрдик. Миллийлик асосий ўринни эгаллабди. Безаклар, нақшлар ҳавасингизни келтиради. Яна шуниси борки, уйлар топширилаётганда меҳнаткашлар учун 20-30 фоиз чегирма бераяптилар. Қишлоқдагиларга ёрдам бўлсин, дейишяптида.

Авваллари буюртма берувчи уйнинг лойиҳасини тайёрлатиш учун турли ташкилотларга елиб-югурарди. Ҳозир бундай маш-маша йўқ. Фуқаронинг истак ва хоҳишига кўра, қурувчиларнинг ўзи лойиҳани олиб келиб беришяпти. Буюртмачиларга маъқул келдими, иш бошланяпти. Энди дала бошида зўрма-зўраки қаватли уйлар тиклашга барҳам берилган. Шу тариқа қурувчилар ўтган беш ой давомида 5 миллион 15 минг сўмлик қурилиш-пайвандлаш ишларини бажардилар.

Бозор ўз номи билан бозор-да. Унинг шаклу шамоили қурувчиларни ҳам ўйлантириб қўйди. Яширишнинг нима кераги бор. Айрим буюртмачилар ўйланиб қолишяпти. Боиси — иншоотлар қиммат. Қурувчилар нима қилишди, денг? Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилишдию, буюртмачилар фойдасига иш тутдилар. Авваллари 834 ва 844 ўринли бир-бирига ўхшаш лойиҳали мактаб иншоотлари бўларди. Совет тузуми даврида режалаштирилган биноларнинг айрим қисмидан воз кечса ҳам ютқазмаслик мумкин экан. Қурувчилар буюртмачиларга арзонроқ бўлиши учун уларни лойиҳадан чиқариб юборишди. Албатта, ўқувчилар ўрни сезиларли қисқаргани йўқ. Масалан, 422 эмас, 420 ўринли бўлди. Қиймати эса, тасаввур ҳам қилолмайсиз, деярли тенг ярмига қисқарди. Пахтаободдаги 114-ХМКК қурувчилари «Озод» жамоа хўжалиги ҳудудида 420 ўринли, 121 —ХМКК бунёдкорлари худди шундай йўл билан Андижон туманидаги «Ойдинбулоқ», Жалолқудуқ туманидаги «Қоратол» жамоа хўжаликларида ҳам кўзда тутилгандек қилиб мактаб биноси тикладилар.

Бирлашмада бош пудрат билан ишлайдиган 13 та, ёрдамчи пудрат билан ишлайдиган 3 та ихтисослашган кўчма колонна бор. Уларнинг ҳаммаси янгича иш юритиш учун изланяптилар. Очиғини айтиш керак, фойдани ўйламаган, ғазнани бойита олмайди. Улар ўтган йили қурувчиларнинг бўш, ишсиз қолмаслигини ўйлаб, турли шаклдаги бетон гул туваклар, йўлаклар учун плиталар тайёрлашди. Кўнгилдагидай бўлмади. Нима қилиш керак?

Тумандаги сўлим жойлардан ер олиб, ҳар томонлама қулай, замон талабига жавоб бера оладиган томорқали уйлар тиклай бошлашди. Уларни пуллашга келганда осонгина йўл тутишди. Уйлар кимошди савдосига қўйиладиган бўлди. Иқтисодий тақчилликни енгиб ўтишнинг йўли-да бу.

Айни кунларда улар йилига 3 млн. дона кийим-бошлик олиш қувватига эга бўлган Шаҳрихондаги «Антекс-1», Пахтаободдаги «Антекс-2», йилига 4 млн. 200 минг погон метр бахмал ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган Шаҳрихондаги фабрикада катта бунёдкорлик ишларини олиб боришаётир.

– Асосий эътиборимизни, — сўзлайди трест бошқарувчиси Эркин Ашуров, — фермер хўжаликларининг оғирини енгил қилишга қаратяпмиз. Ахир улар энди оёққа туряпти, қолаверса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш учун якка тартибдаги турар жой бинолари қуриш асосий вазифамиз бўлиб қоляпти. Ўтган ойлар давомида яна шу мақсадда 1 млн. 507 минг сўмлик иш бажарганлигимиз боиси ҳам шунда.

Бунёдкорлар юртбошимиз фармонларини бажара боришиб, Пахтаобод туманидаги фермер Абдураҳмон Ҳайдаровга 100 ўринли молхона қуриб беришди. Булоқбошида 25 бош қорамолга мўлжалланган 2 та, Марҳамат туманидаги Тандирчи қишлоғида «Камолот» фермер хўжалиги учун 60 бошга мўлжалланган молхона биноси қурдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, фермерлар асосий иш билан банд бўлсин, дейишмоқда улар.

Қурувчининг меҳнати осон эмас. Куннинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг қаҳратонида ҳам тиним билмайди. Бирлашма мутасаддилари уларга қулай шароит яратиб беришга уринмоқдалар. Қурувчиларни уй-жойларига элтиб қўйиш учун транспорт, озиқ-овқат маҳсулотларидан баҳоли қудрат ёрдам беришаётир. Тўй, турли маросимларда елкадош бўлинмоқда. Шароити оғирлар эса ҳамиша эътиборда. Яқинда Балиқчидаги Аҳмаджон Қодиров ҳолидан хабар олинди. Унинг уйи таъмирланиб, гилам совға қилинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, тер тўкиб меҳнат қилган қурувчилар кексайганда ҳам жамоадан бегона бўлиб қолмаяптилар.

Бирлашма қурувчиларининг қўли янада узун бўлиши мумкин. Аммо ташкилотлар ўртасидаги олди-бердилар оёққа тушов бўлмоқда. Оддийгина бир мисол. «Антекс-1»нинг «Вилжамхўжқурилиш»дан 39 миллион, «Антекс-2» нинг шу ташкилотдан 3 миллион сўм қарзи бор. Қурувчилар ҳам ўз навбатида бошқалар билан ҳисоблашиши керак. Ҳамма гап банк тизимини йўлга қўйишда. Балки ўшанда янада каттароқ ҳажмда иш бажарилар. Шундай бўлса-да, бунёдкорлар бутун имкониятларини ишга солишаяпти.

Жазирама иссиқда тер тўкиб ғишт тераётган қурувчиларнинг ишларини кузатаман-у, хаёлимдан бир ўй ўтади: янги хонадонларда «уй тўйи» бўлганда чарчоқлар унутилади, қалблар қувончга тўлади. Ўзгаларга шодлик улашишдан эса ортиқроқ бахт йўқ дунёда.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• «Ғалла-95»*

# ШАРТНОМАДАГИДАН ОРТИҒИ РЎЗҒОРГА ҚОЛДИ

***Куни кеча давлатга дон топшириш режасини бажарган Тошкент вилоятида ўриб-йиғиб олинган ҳосилнц янчиш, оби-тобида қуритиш, тайёр ғаллани қабул пунктларига топшириш ишлари давом этаяпти.***

— Бу йил мавжуд 107 минг гектардан ошиқ ғаллазорларда мўл ҳосил етиштирилди, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Р. Нурматов. — Ҳосилдорлик ўртача 26 центнерни, суғориладиган майдонларда эса 31 центнерни ташкил этди. Янгийўл туманида 34,4 центнердан, Қибрай туманида 37,8 центнердан, Қуйи Чирчиқда 31,6 центнердан ҳосил олинди.

Хўжаликларда ташкил этилган янги иш услублари, иқтисодий ислоҳотларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳар йилгидан кўра юқори ҳосил етиштириш имконини берди. Хўжаликларнинг ижара ва ширкат жамоаларига айлантирилиши жойларда меҳнатга янгича муносабатни шакллантирди.

1994 йил кузида ғалла учун ажратилган барча майдонларга «Интенсив», «Унумли», «Безостый-I», баҳорикор ерларга эса «Сурхоқ» навлари уруғи сепилди. Кўкламга келиб, хўжаликлар билан ижарачилар, деҳқон-фермерлар, акциядорлар ҳамда ширкатчилар ўртасида тузилган шартномага кўра, буғдойзорлар кишиларга бўлиб берилди.

Бугунги кундаги ҳисоб-китоблар, вилоят агросаноат уюшмасидаги мавжуд қайдлар деҳқоннинг меҳнати доимо ҳалол, ризқи бутун эканлигини исботлаб турибди. Илғорлар рўйхатига кўз югуртирамиз: Бўка туманидаги Саймоқов номли жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 48 центнерни, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Тошовул», Паркент туманидаги «Бўстон» жамоа хўжаликларида эса 40 центнерни ташкил этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ижара ва ширкат усулида меҳнат қилган Р. Шокиров бошлиқ жамоа аъзолари 41,5 гектар ердан 50,2 центнердан, С. Раҳимбердиев бошлиқ ғаллакорлар эса 58 гектар ернинг ҳар гектаридан 53 центнердан сара дон йиғиштириб олишга эришдилар. Тандирдек қизиб турган саратоннинг жазирама кунларида ҳам комбайнда энг юқори иш унумига эришган Қ. Аширбоев, Д. Галимов, Б. Маҳамов каби илғорларнинг ҳар бири 800—1000 тоннадан буғдой ўриб янчишди.

**Шодиёр КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## АМАЛИЙ ЧОРАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН

***Греция, Эрон ҳамда Босния ва Герцеговина ҳукумат вакиллари сербларнинг босқинчилик ҳаракатини тўхтатишда амалий чоралар ишлаб чиқиш учун Афина шаҳрида учрашди.***

Бу ерда Босния ва Герцеговина ташқи ишлар вазири Муҳаммад Шокирбейнинг Греция ва Эрон ташқи ишлар вазирлари билан учрашуви ҳам бўлиб ўтади.

## ТАҚИҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЛОЗИМ

***Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) Президенти Шайх Зайд ибн Султон Ол Наҳайян сербларнинг мусулмон халқига қарши жинояткорона ишини бефарқ кузатиб турган буюк давлатларга нисбатан норозилик изҳор этди.***

Мамлакат халқининг ўзини ҳимоя қилиши учун Боснияга қурол-яроғ сотмаслик ҳақидаги тақиқни бекор қилиш лозим, деди БАА Президенти.

## ҚЎШИМЧА СИНОВЛАР ЎТКАЗИШ ҲАМ ЭҲТИМОЛДАН ХОЛИ ЭМАС

***Ядровий синовларни тақиқлаш ҳақидаги шартнома келгуси йил имзоланмаса, Париж Атолла Муруроадаги режалаштирилган саккизта ерости синовига қўшимча синовлар ҳам ўтказиши эҳтимолдан холи эмас.***

Франциянинг Янги Зеландиядаги элчиси Жак Ле Блан мазкур мамлакат радиоси мухбири билан суҳбатда ана шундай деди.

## МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИЗ ТУГАДИ

***Покистон ҳукумати делегацияси билан келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган «Муҳожирлар миллий ҳаракати» вакиллари ўртасида ўтган навбатдаги музокаралар натижасиз тугади.***

Музокаралар муҳожирлар билан маҳаллий аҳоли ўртасида Карачи шаҳрида юз берган тартибсизликларни бартараф қилиш мақсадида 11 июлда Исломободда чақирилган эди.

## ЯНГИ РЕЖА

***Жанубий Корея ва АҚШ Корея ярим оролидаги вазиятни бартараф этиш учун янги режани илгари сурмоқда.***

Ушбу режага биноан, Шимолий Корея билан Жанубий Корея ўртасида тинчлик битими имзоланиши керак.

Битимга риоя қилиш кафолатини АҚШ билан Хитой давлатлари ўз зиммасига олади, Россия ва Япония эса музокараларда кузатувчи мақомида иштирок этадилар.

## 20 ЙИЛДАН СЎНГ...

***Америка Қўшма Штатларида Камбоджанинг элчихонаси яна ўз фаолиятини давом эттира бошлади.***

Бундан 20 йил бурун Камбоджада «Қизил кхмерлар» диктатураси ўрнатилгач, АҚШ мазкур давлат билан дипломатия алоқаларини узган эди. 1993 йил сентябрь ойида Камбоджада БМТ кузатуви остида ўтган демократик сайловлардан кейин АҚШ ушбу мамлакатда ўз элчихонасини очди.

## НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

***Венесуэла пойтахти Каракасда шаҳар фуқаролари ва пойтахт меҳмонлари жиноятчиликка қарши «Хавфсизлик ва осойишта ҳаёт» шиори остида намойиш ўтказди.***

Намойиш иштирокчилари ҳукуматдан жиноятчиликнинг ортиб бораётганини қайта-қайта такрорлайвериш ўрнига аниқ амалий чоралар қўллашни талаб этмоқда.



*СУРАТДА: Италиянинг Сиена шаҳридан лавҳа.*

## СУВ ТОШҚИНИ

***Бангладешда қаттиқ жала ва сув тошқини натижасида 180 киши ҳалок бўлди, дейилади ана шу мавзудаги хабарда.***

Сув тошқини ўн кундан буён тўхтамаяпти. Табиий офат, айниқса, мамлакатнинг 14 миллион нафар аҳоли яшайдиган шимолий ҳудудида катта зарар келтирди. Бу йилги сув тошқини ўз кўлами билан 1988 йилда рўй берган сув тошқинини эслатади. Ўшанда табиий офат натижасида 3 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган эди.

## ИСПАНИЯ: ҲАРОРАТ 50 ДАРАЖА АТРОФИДА

***Испания жанубидаги Андалусия мухтор вилоятида ҳароратнинг исиб кетиши оқибатида 12 киши ҳалок бўлди.***

Бир ҳафтадан зиёд вақтдан бери бу ерда ҳарорат 50 даража атрофида иссиқ бўлмоқда. Ўлим ҳолатлари Сивилия ва Кордовада ҳам қайд этилган. Врачлар организмнинг сувсизланиши ва офтоб уриши ўлимга сабаб бўлаётганини таъкидлашмоқда.

• *Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига*



***Тун. Қутурган бўрон аянчли инграб, оч бўридек ўзини ҳар томонга уради. Юлдузлар қуршовида ёлғиз ой милтирайди. Унинг хира нурлари олисда элас-элас қорайиб кўринаётган тепаликда гўё бировни интизор кутаётгандек, қимир этмай турган кўланкани зўрға ёритиб турибди. Бирдан кетма-кет қарсиллаган товушлар... Тепаликдаги кўланка кўкрагини чангаллаганча оҳиста қулайди. Тобора авжига минаётган бўрон бадбўй порох ҳиди ва жон талвасасида инграётган одамнинг сўнгги нидоларини узоқ-узоқларга учириб кетади. Бу манзарадан даҳшатга тушган тўлин ой ҳам ўзини булутлар орасига олиб, беркинади...***




Ҳар гал «қатағон йиллари» дея аталмиш хунук жумла қулоғимга чалинганда негадир шу мавҳум манзара кўз олдимга келаверади. Уни тасаввуримдан ҳайдашга, бутунлай унутишга беҳуда уринаман. Ўжар хаёл эса мени бот-бот ўша суронли йилларга етаклаб кетаверади: «Ким у қулаган? Қодирийми? Ё оташнафас шоир Усмон Носирми? Наҳот ўзбек маданияти ва адабиётига улкан ҳисса қўшган, миллатимиз фидойиси аллома Абдурауф Фитратнинг ҳаёти шундай интиҳо топган бўлса?..»

Кўҳна ва бой тарихимиз зарварақларига кўз югуртирганимизда Ибн Сино, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Абу Наср Форобий сингари кўп қиррали ижод соҳибларига дуч келамиз. Шубҳасиз, уларнинг асарлари жаҳон илм-фани ва маданиятининг юксалишида салмоқли ўрин тутган. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, Абдурауф Фитрат ҳам ана шундай сермаҳсул ва серқиррали адиблар сирасига киради. У ўзбек ва Шарқ маданияти, тарихи, адабиёти ва шу билан бирга мусиқа назариясига оид ўнлаб асарлар яратди. Айни пайтда Фитрат публицист, тилшунос ва адабиёт назариясининг билимдони ҳамдир. Бундан ташқари, шоир, ношир, драматург сифатида қалам тебратиб, XX аср ўзбек адабиётига мустаҳкам пойдевор қўйди.

Суронли қатағон йилларида ўз тили, миллати учун жон куйдириб, ҳамон ҳақиқатга тик боқаётган олимга турли бўҳтонлар уюштириб, ҳар тарафдан сиёсий айбномаларни ёғдиравеpишди. Айбномаларнинг деярли кўпчилиги очиқдан-очиқ тухмат, қолаверса, аллома ҳаётига жиддий хавф туғдирувчи кўр-кўрона ҳужум эди. Лекин Фитрат маънавий қийноқ ва ҳақоратларга чидади, ўрни келганда эса ҳақ билан ботилни ажратолмай оёғи куйган товуқдек типирчилаб, беҳудага чиранаётган сафсатабозларга қаттиқ зарба берди. У «Ёпишмаган гажжаклар» номли мақоласида (мақола «Фитрат асарларидан буржуазиянинг ҳиди келаяпти, у миллатчи, хоин» дейишгача борган Бойбуловга очиқ хат тарзида ёзилган) болаларнинг бир ўйинини мисол қилиб келтиради: «Бизда болалар орасида «Кўзим кўрмайди» деган ўйин бор. Бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин, қўлига узун таёқ олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг оёғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Бола эса таёғини кўтариб, «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айлантираберар, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан. Орада менинг китобим унутилган...»

Бир қарашда кишига эриш туюлувчи бу оддий мисол халқимизнинг неча-неча асл ўғлонларини ўз домига тортган қатағон йилларининг бутун кирдикорларини очиб ташлайди. Чунки ўша даврнинг асосий фожиаси бўҳтон уюштириб, «миллатчи» деган тамға остида бир-бирини бадном қилиш эди. Саводсиз «танқидчи»нинг ниятини яхши фаҳмлаган Фитрат «ҳар ҳолда мақолангиз кўпроқ менинг шахсимга қаратилган», деб очиқ ёзади.

«Янгилик тарафдорлари» ўтмиш анъаналарини «эскилик сарқитлари»га чиқариб, бутун бошли туркийлар, жумладан, Темурийларнинг бой меросини сохталаштиришга уринаётган бир пайтда Фитрат: «Темурийларнинг жаҳонгирлигини Ўрта Осиё савдо сармоясининг тараққийси билан изоҳ қилмоқчи бўламиз. Бунинг учун қўлимизда етарлик материаллар бор. Сиз шунга рози эмаслигингизни чиройли савол аломати билан ифода қиласиз, бу даврни нима деб атамоқ тўғрисида фикрингизни билдирмайсиз. Сиз шуни унутасизки, савол аломати қанча чиройли бўлса бўлсин, илм учун бир нарса бермайдир. Бизнинг фикримизга қарши экансиз, фикрингизни билдиринг?! Айтинг-чи, Темурийлар даврига қандай исм берасиз?» — дейди аччиқ надомат билан.

XIX асрнинг охирларида тилимизга кўплаб европача сўзлар кириб кела бошлаган эди. Янги асрнинг илк даврларида, айниқса, Октябрь инқилобидан кейин бу янада тезлашди. Шуларга асосланиб, тил, имло, умуман миллийликни софлигича сақлаб қолиш мақсадида илғор ўзбек зиёлилари томонидан «Чиғатой гурунги» тўгараги ташкил қилинади. Бироқ уюшма қаттиқ қаршиликка учраб, 20-йиллардаёқ тарқатиб юборилди. Собиқ шўролар ҳукумати ўзлигини англаган, юрт равнақи йўлида барча ғовларни янчиб ўтишга тайёр турган халқпарвар инсонларнинг эркин ҳаракат қилишини истамас эди. «Чиғатой гурунги»нинг фаол ташкилотчиларидан бири бўлган Фитрат айни ижодининг қизғин палласида Сталинча истибдоднинг қурбони бўлди.

Асрлар оша инсоният қалбини забт этиб келаётган туйғулар — бу ҳурликка ташналик, миллий ғурур, Ватан севгиси! Фитрат ана шу инкор этиб бўлмас азалий ва абадий ҳақиқат куйчисидир. Унинг орзулари ўтмиш воқеаларига бағишланган асарларида ўз ифодасини топган. Уларда ўзбек халқининг чет эл босқинчиларига қарши кураши, эрк ва адолатга ташналиги тасвирланади. «Чин севиш» пьесасида эса, ҳинд халқининг Ватан мустақиллиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган мардонавор кураши ҳикоя қилинган. Англаймизки, буларнинг барчаси ягона — миллат, озодлик каби улуғвор ғоялар атрофида бирлашади.

... Совуқ хаёллар гирдобидан зўрға судралиб чиқаман... Она Қуёш уфқдан эринибгина бош кўтариб, зулматни ҳайдайди. Ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек, бир зумлик карахтликдан сўнг ўзимга келиб, атрофга разм солгач, эркин нафас оламан.

**Ойбек ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Иқтисодиёт қирралари*



# РАҚОБАТ СИФАТНИ ОШИРМОҚДА

***Яқин-яқингача гулистонликлар дўкондан фақат шаҳар нон заводида пиширилган маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга эдилар. Энди аҳвол ўзгарди: аввалига заводга чет элдан келтирилган «тандир»ли цех рақобатчи бўлди. Яқиндан бошлаб эса вилоят саноат ишлаб чиқариш ассоциацияси тасарруфидаги нон заводи ҳам бу «кураш»га қўшилди.***



Тўғри, бу мўъжазгина завод аввал ҳам мавжуд эди. Унинг маҳсулотлари сифатлилиги билан ажралиб ҳам турарди. Аммо ҳиссадорлар узоқни кўзлашди; корхонани тубдан қайта таъмирлашди. Нон ва нон маҳсулотлари турини кўпайтиришди. Жумладан, бу ерда кичик ҳажмдаги арзон булка нонлар пиширила бошланди. Саккиз хил макарон тайёрлайдиган цех ишга туширилди. Муҳими, маҳсулотни харидорга етказишнинг қулай ва самарали йўли танланди: завод рўпарасида савдо маркази бунёд этилди. Бу ердаги дўконга нон ва нон маҳсулотлари заводдан пешма-пеш савдога чиқариладиган бўлди. Яна бир шундай дўкон шаҳар марказида ҳам очилди. Заводдаги миллий услубда қурилган савдо маркази бозорни эслатади. Боиси — харидор бу ердан рўзғор учун зарур бўлган барча нарсаларни харид қилиши мумкин. Дўконлардан бири аҳолидан қишлоқ хўжалик ёки бошқа маҳсулотлар олиб, ўрнига хоҳлаган нарсасини айирбошлашга хизмат қилади.

Гулистонлик ҳиссадорлар бозорда фақат нон билангина рақобат қилишаётгани йўқ. Бошқарув раиси Абдуқаҳҳор Аҳадовнинг айтишича, қўлбости, консерва, тикувчилик, тўқув цехларида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидоргир бўлмоқда. Муҳими, матлуботчилар аввалгидек асосан тайёрни сотиш билан эмас, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали фойдага юз тутиш мумкинлигини амалда кўришаётир.



**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

***СУРАТЛАРДА: (юқорида) нон заводи лаборанти Ф. Алиева ва цех устаси Ф. Мелибоевлар янги пишган нон маҳсулотларини кўздан кечиришмоқда; (пастда) З. Турдиқулов, С. Халилов ва корхона директори А. Шодиевлар яқинда завод қошида ишга туширилган макарон цехи маҳсулотлари сифатини аниқламоқда; «Иссиқ нон» дўконининг умумий кўриниши.***

**Н. КАЧКАЕВ олган суратлар.**

• *Транспорт*




***Ёнилғи-мойлаш материаллари нархининг ўсиши ўз навбатида йўлкира ҳақининг ошишига ҳам таъсир қилаётир. Ана шундай бир шароитда электр поездлар энг арзон ва қулай транспорт хизмати кўрсатаётгани ибратлидир. Жамоатчи мухбиримизнинг «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Тошкент темир йўли бўлимининг йўловчилар ташиш бўйича бошлиғи ўринбосари Рустам КАРИМОВ билан суҳбати ҳам ана шу мавзуда бўлди.***

— Маълумки, шаҳар атрофида қатновчи электропоездлар бошқа турдаги йўловчилар транспорт воситалари орасида қулайлиги ва кира ҳақининг бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Шу боис унинг хизматидан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Шундай бўлгач, табиийки, ўз навбатида бизнинг ҳам бу борадаги масъулиятимиз ортади. Айни пайтда пойтахтимиздан Ангрен, Хўжакент, Бекобод, Чингелди, Ховос ва бошқа йўналишлар бўйича электропоездлар мунтазам қатнаб турибди. Биз поездлар қатновида узилишлар бўлмаслиги учун лозим бўлган чораларни кўраяпмиз. Чунки ушбу транспорт воситаси орқали кунига минглаб одамлар пойтахтимизга келиб-кетишади. Уларнинг ҳожатини чиқариш асосий мақсадимиздир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Тошкент темир йўли бўлимида шу йилнинг биринчи чорагида биргина шаҳарлараро қатнайдиган электропоездлар учун 9 млн. сўмлик ҳажмда сарф-харажат қилинди. Аммо бу маблағнинг ярмини ҳам қоплагани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири турли эҳтиёт қисмлар ва бошқа керакли ашёларнинг нархи кун сайин ошиб борётганлигидир. Лекин биз йўловчиларнинг манфаатларини ўйлаб, йўл ҳақини имкони борича оширмасликка ҳаракат қилаяпмиз.

Бизни ўйлантираётган яна бир муаммо шуки, кўпчилик йўловчилар электропоездларда шу арзимаган йўлкира ҳақини ҳам тўлашдан бўйин товлашмоқда. Вагонларда ўтказилган тафтишлар чоғида жуда кўплаб чиптасиз йўловчиларга дуч келаётирмиз. Бундан ташқари, айрим ёшларимиз вагон жиҳозларини синдиришиб, уни турли чиқиндилар билан ифлос қилиш ҳоллари жуда кўп учрайди. Шунинг оқибатида ҳам қанчадан-қанча маблағлар беҳуда сарф бўлмаяпти, дейсиз. Мен гоҳо ўйлаб қоламан. Наҳотки йўловчиларимиз ўзларига яратилган енгилликлар эвазига бизга шу тариқа «раҳмат» айтишади? Қачон бизда йўловчилик маданияти шаклланади?

Биз бундай аянчли ҳолларга барҳам бериш мақсадида бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошираяпмиз, жумладан, ҳозир чипта олмаган йўловчилар 30 сўм жарима пули тўлашяпти. Вагонлар ойнасини синдирган шахсларга қатъий чоралар кўрилаяпти. Ҳар бир электропоездда назорат ходимлари тайинланган. Иложи борича электропоездларда юрган олибсотарларга қарши чора кўряпмиз. Вагонларда тозалик, тартибга доир чоралар кўрилаяпти. Лекин электропоездлар хизматидан фойдаланаётган йўловчилар инсоф билан иш тутишса, яхши бўларди.

**С. ТОЖИБОЕВА.**

• *«Халқ сўзи» аралашгач*

# МУТАСАДДИСИ ЎЗГАРДИ

***Урганч шаҳридаги собиқ «Орлёнок» оромгоҳи бир неча йиллик танаффусдан сўнг яна болаларнинг севимли масканига айланди. Турли моддий-молиявий етишмовчиликлар боис лагерь ёпиб қўйилган, йўлланманинг осмоний нархи сабаб ота-оналар ҳам болаларини бу ерга юбормай қўйишганди.***



Бу ҳол одамлар эътиборини жалб этмай қолмади, албатта. Масалага ҳатто «Халқ сўзи» ҳам аралашди. Газетанинг шу йил 10 март сонида «Кўзиккан «Орлёнок» сарлавҳали луқма-мақола босилиб чиқди.

Донолар эзгуликнинг кечи йўқ, дейишади. Хайрият, болалар оромгоҳининг мутасаддиси-вилоят «Деҳқончиликсаноатқурилиш» трести раҳбарияти вазиятдан тегишли хулоса чиқарди. Мақолада кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга эса ҳафсала билан киришилди. Мавжуд 4 та бинонинг 2 таси май ойидаёқ ўқувчиларнинг ёзги таътилига тахт этилди. Дов-дарахтлари қуриёзган боғ қайта ободонлаштирилди. Қўшимча хиёбон ва йўлкалар яратилди, ошхона, спорт майдончаси ҳам таъмирланди, ювиниш ва чўмилиш хоналари барпо этилди. Июнь ойида эса оромгоҳ ўз эшикларини янги ўқув йилига куч-ғайрат ва илҳом тўплаш орзусида келган ўқувчи-ёшлар учун очди. Дам олишнинг биринчи босқичида 70 нафар ўқувчи мириқиб ҳордиқ чиқарди. «Бинокор» номини олган мазкур оромгоҳ аслида собиқ «Орлёнок»дан ҳам афзал бўлиб чиқди. Таътилнинг намунали ўтиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳордиқ чиқарувчиларга ҳам, ота-оналарга ҳам маъқул келди. Шу боис таъмирлаш ишлари янада қизитилди, таътилнинг иккинчи босқичида ўринлар сони яна 30 тага кўпайтирилди.

— Битта ўқувчининг 24 кун мобайнида ҳордиқ чиқариши учун ўртача минг сўм маблағ сарфланади, — деди трест касаба уюшмалари қўмитаси раиси Озод Султонов амалга оширилган ишлар ҳақида ҳикоя қиларкан, — бу маблағнинг 10 дан 9 қисмини касаба уюшмамиз ўз зиммасига олди. Трест раҳбарияти ҳам қараб турмади. Қолган маблағни ўз жамғармасидан қоплашга қарор қилди. Шундай қилиб, келажагимиз ворислари-жажжи ўғил-қизлар лагерда текин ҳордиқ чиқарадиган бўлишди.

Айни пайтда кичкинтойлар оромгоҳида ҳаёт қайнамоқда. У наинки жажжи фарзандлар, балки катталар — бунёдкорлик ишларининг ижодкорлари, уларнинг оилаларига ҳам беминнат хизмат қилаяпти.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Акс-садо*

# ИШОНЧЛИ ВА АСОСЛИ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛГАН

***Мен профессор Малик Набиев ва доцентлар Н. Абдуллаев ва Н. Ойдиновларнинг «Тасвирий санъат чизмачилик эмас, ахир» сарлавҳали мақоласини («Халқ сўзи», 28 июнь) ўқиб, қаттиқ таъсирландим.***

Мақолада олға сурилган фикрлар ишончли ва асослидир. Мен шуни қайд қилишни жуда истар эдимки, ўзбек халқининг тарихида тасвирий ва амалий санъат кенг тараққий этиши билан бирга, у ўзининг машҳур вакилларига ҳам эга. Бунга тарихни астойдил ўрганишимиз жараёнида яққол гувоҳ бўламиз.

Дарҳақиқат, шундай экан, муаллифлар ўртага ташлаган фикр ва мулоҳазалар мустақил Ўзбекистоннинг тасвирий ва амалий санъати жаҳон андозасига мос шаклланишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Мен муаллифларнинг шогирди сифатида мақолада келтирилган фикрларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, уларнинг амалга ошишини жуда-жуда истар эдим.

**Гулчеҳра ЭШОНОВА,**
**Шаҳрихон туманидаги 4-«Мерос» номли халқ амалий санъати лицейи ўқитувчиси.**

**Қуйма ишлаб чиқаришда янгилик.**

Маҳаллий хомашёни ишлатиб, қуйма ишлаб чиқаришда керакли бўлган стерженлар тайёрлашда бунга қўшиладиган (Алеф ва декстрина) га ҳожат қолмади.

Стержен физик ва механик жиҳатидан жуда чидамли, одам организми ва атроф-муҳитга зарарсиз, ишлатиб бўлгандан сўнг тезда парчаланиб кетади.

**Бизнинг манзил:**

***Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 120-уй.***

**Тел.: 48-24-58, 48-25-52, ТОМРЭЗ.**

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**



*Радиостанцияларнинг барча турлари (олиб юриладиган, мобил, стационар), радиоузаткичлар ва радиотелефонларни сотиб олиш (сотиш), ясаш, чет элдан келтириш ва фойдаланиш вилоятлар Давлат электр алоқа назорати бўлимлари рухсати бўйича амалга оширилади.*

"Радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали мосламаларни сотиб олиш (сотиш) ва фойдаланиш тўғрисидаги 280-йўриқномани бузиш Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳуқуқ кодексига мувофиқ жарима солинишига ва радионурловчи ускунанинг мусодара қилинишига олиб келади.

*Юқорида кўрсатилган ҳолатнинг олдини олиш мақсадида вилоятлар Давлат Электр алоқа назорати бўлимлари радиоэлектрон воситаларни чет элдан олиб келишга рухсат бериш, рўйхатга олиш, сотиб олиш (сотиш) ва радиотелеқабул каналларида радиохалақитлар манбаини аниқлашда ёрдам кўрсатишга тайёр.*

**Бизга 35-28-59, 34-21-47, 34-39-76 телефонлари орқали соат 8.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**

Тошкент шаҳри, Жаҳон Обидова кўчаси, 8-А уй.
*2, 16-трамвай ва 19, 115, 165-автобусларнинг "Бодомзор" бекати.*

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ.**

*ИТАЛИЯНИНГ ЭНГ МАШҲУР ҲАМДА ЭНГ ЯХШИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН ҲИСОБЛАНМИШ*

"СОВПЛАСТИТАЛ"ҚК ВА ИТАЛИЯ "МОНТЕК" ФИРМАСИ СИЗЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН "ИТАЛФУД" СУПЕРМАРКЕТИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
МИНГДАН ОРТИҚ АЪЛО СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ ТУРЛАРИ ВА ИТАЛИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ОЛИЙ ДАРЖАДАГИ ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ
**КИЧИК ИТАЛИЯГА ТАШРИФ БУЮРИНГ, АФСУСЛАНМАЙСИЗ.**

**Бизнинг манзилимиз:**
**Чилонзор, 19-мавзе, Ал-Хоразмий кўчаси, Подмосковная, 12.**
**("Шуҳрат" чорраҳасидан икки бекат нарида).**
**Тел.: 76-61-95.**

Сизнинг соғлиқни сақлаш муассасаларини лойиҳалашга доир барча
**МУАММОЛАРИНГИЗНИ "ЎЗДАВТИБЛОЙИҲА"**
**институти ҳал қилади.**
**Манзилимиз:**
700007, Тошкент, Абдуллаев (Горький) шоҳ кўчаси, 30
Телефонлар: 67-92-24, 67-92-32.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Физика-Қуёш» ИИЧБси лабораторияси мудири, академик Тоймас Йўлдошбоевга умр йўлдоши
**Тамилла ЙЎЛДОШБОЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати «Тарих» кафедраси доценти Зуҳра Мираҳмедовага акаси
**Усмон МИРАҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Мухбир бонг уради*

***Дунё миқёсида теннисning мавқеи йилдан-йилга ошиб бораяпти. Теннис нафақат спорт доирасида, балки тижорат, иқтисодий алоқалар, тиббиёт, маданият ва ҳатто сиёсат соҳасида ҳам ўз нуфузини топаяпти. Турли мамлакат фуқаролари теннис билан шуғулланиш соғлиқни мустаҳкамлашнинг энг яхши, зарарсиз воситаси сифатида қабул қилаётган ва у тобора оммавийлашаётган бир пайтда Қаршида...***

# ҚАРШИДАГИ ТАШЛАНДИҚ ТЕННИС КОРТЛАРИ

Биз шаҳарда учратган биринчи киши вилоят спорт қўмитаси масъул ходими, чавандозлик бўйича спорт устаси Зойир полвон Мавлонов бўлди. У киши билан қисқача мулоқотимиз қуйидагича кечди:

— Қашқадарёлик маҳаллий ёшлар теннисга унчалик қизиқишмайди, уларга футбол ёки волейбол бўлса, деган гапларга қандай қарайсиз?

— Бу — нотўғри фикр. Агар шароит яратилса, ҳар қандай спорт тури, жумладан, теннис ҳам мафтункорлиги билан футболдан қолишмайди. Бу спорт турлари ўртасидаги тафовут шуки, футболни унча-мунча майдонларда ҳам ўйнаса бўлади, теннис учун эса кортлар, ракеткалар ва махсус тўп керак.

— Ўзингиз теннисга қизиқасизми?

— Ҳа.

— Қаршида нечта теннис корти бор?

— Билишимча, олти жойда.

— Ишлайдими?

— Ишласа керак. Шаҳар спорт қўмитаси раиси Панжи Қаршиев билади. Мана телефон рақами, қўнғироқ қилинглар.

Рақам териб чарчадик. Иш жойи шаҳар ҳокимлиги биносида, дейишди. Бордик. Бахтга қарши Қарши шаҳар ҳокимлигидан Қаршиевни тополмадик. Ҳозирча спортқўмга бино ҳам йўқ экан.

Шундан сўнг «Айпетри» фирмасига қарашли кортни бориб кўрдик. Чиройли қурилган. Атрофи баланд сим тўр билан ўралган, махсус ўйингоҳ. Бироқ унга кириш учун баданга тикан ўтмайдиган пахталик шим ёки этик кийиб олиш зарур: атроф бўлиқ янтоқзор, ғишт ва қум уюмлари. Корт ёнида қурилиши битмаган хона ичидан ажнабий мусиқа янграмоқда. «Бар», дейишди. Бар эгаси — ёшгина йигитчадан сўрадик.

— Бу жойнинг эгаси борми?

— Ҳа, анави ўтирган опалардан бири директор, — дея у бир стулга сиғишмай, гаплашиб турган икки қизнинг бирини кўрсатди.

— Директор сизми?

— Ҳа. Ботиршина Надяман. Биз Дониёл Абдираимов билан шу жойни сотиб олиб, ул-бул қураяпмиз.

— Мана бу теннис корти ҳам сизларга қарайдими?

— Ҳа. Бу жойни Афғон фахрийлари уюшмасидан сотиб олдик. Улар «Нефтгазгеология»дан олган экан.

— Шу теннис корти бирор марта ишлаганми?

— Онда-сонда болалар келиб-кетиб туради. Ҳеч кимнинг олдини тўсмаймиз. Ана эшиги ҳам йўқ. Истаган пайтда ўзлари тўр олиб келиб, ўйнаб кетишади. Ўзининг сеткасини ўғирлаб кетишган. Олти ой олдин Ким деган мураббий болаларни олиб келиб ўйнатарди. Анчадан бери келмай кетди. Теннис деганига мураббий керак-да. Мураббийга берадиган пулимиз йўқ. Манави биноларни қуриб бўлгач, савдомиз юришиб кетса, теннисни ҳам яхшилаймиз.

Илоё, Надяхоннинг пуллари кўпайсин. Бўлмаса корт атрофи ҳали-вери янтоқдан тозаланмаса керак.

4-митти туманда (микрорайон) 2 та корт бор, дейишганди. Иккаласи ҳам 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида катта пул сарфланиб қурилган экан. Ўртада 4-ЖЭК биноси, икки қанотда икки корт. Дастлаб кун ботиш тарафдагисига ўтдик. Жуда дабдабали, аммо роса ташландиқ. Кимгадир ёқмаган шекилли, чўмилиш бассейни — ҳовуз кўмилиб, ҳаммом биноси сурдириб ташланипти. Кортнинг темир эшиклари бузилган. Сим тўрлар очилиб, осилиб ётипти. Ёзувлар ўчиб кетган. Европа услубида қурилган дўкончалар томи кўпорилиб, дераза ромсиз, ғариб турибди. Хайрият, кимсасиз эмас, икки йигитча бир стол қўйиб шашка сураяпти. Нарида стол устида майда-чуйда, арақ, минерал сув, печенье... ҳар қадамда учрайдиган манзара. Йигитлар даврасига бош суқдик.

— Бу даргоҳнинг эгаси ким?

— Дўкончa бизга тегишли. Спорт комплексининг эгаси ҳам ҳозирча биз. Аммо ишлатишга кучимиз етмаяпти.

— Ўзингизни таништирсангиз, айтгандай, бу комплекс қайси ташкилотга қарайди?

— Мен сотувчи Қултоев Норқулман. Бу майдонча вилоят Афғон фахрийлари уюшмасига (раиси Темир Саидов) қарайди. Ҳозирча мураббий қўйишга кучимиз етмай турибди. Савдомиз юришиб, пулимиз кўпайса... Ҳалиям бизга тегиб бироз эпга келди. Бўлмаса энг расво ахлатхонага айланиб қолган экан.

— Эссиз, давлатнинг шунча пули беҳудага соврилипти-да. Қайси ташкилот қурган экан?

— Билмадим...

Ўтиргич йўқлигидан тупроқ уюми устида ўтириб, махорка чекаётган қарияга яқинлашдик.

— Меҳнат фахрийси Жуков Валерий Васильевичман. 1969 йилдан бери манави уйда яшайман. Теннис корти 1990 йилда қурилганди. «Қаршистройиндустрия» қурган шекилли. Улар буни ким учун қурганини билмадим-у, ҳар ҳолда, у қурилганидан бери эгасиз ётипти.

Яна йигитларга мурожаат қилдик:

— Агар корт ишласа, ёшлар кириб ўйнашадими?

— Жон-жон деб ўйнашади. Бу ер шаҳарнинг энг гавжум жойи. Ана ҳокимият биноси. Чор тараф зич «дом»лар. Ҳар «дом»да камида 100-150 оила яшайди. Кечқурун ёшлар бекор санқиб юришади.

— Бу корт «Насаф» биржасига қарайди. Ўтган йили бироз ишлади, яъни кортда шахмат-шашка мусобақаси ўтказишди. Олти ойдан бери ишлагани йўқ, — дейди кортга энг яқин жойлашган 2-А уйда истиқомат қилувчи фуқаро Р. Ғозиев. — Болалар кириб, ўйнаб ётишади. Менимча, шуни бекор тургандан кўра маҳаллага «тўйхона» қилиб берилса яхши бўларди. Жуда асқотиб турибди.

Унинг гапини шу яқинда бола кўтариб юрган аёллар ҳам маъқуллашди... Ана сизга томоша. Республикамизнинг деярли барча шаҳар ва туманларида мутасадди раҳбарлар теннис кортлари қуришга киришиб, маблағ қидириб, изланаётган бир даврда Қаршидаги 4-митти туманда катта маблағ сарфланиб қурилган спорт мажмуаларининг ишламай турганини қандай баҳолаш мумкин?

Яна шаҳар спорт қўмитаси раисини қидиришга тушдик. «Меҳнат» стадионида, дейишди. Стадионда уни эмас, вилоят спорт қўмитаси раиси Ботир Эгамовни учратдик.

— Ботир ака, нега шаҳарда теннис кортлари ишламаяпти?

— Шаҳар спорт қўмитаси билади... Моянани оладиган Панжи Қаршиев қилсин-да. Қолаверса, теннис кортларининг барчаси ташкилотлар ихтиёрида. Ташкилот бошлиқларидан сўранглар. Мен бандман. Эртага бу ерда футбол бўлади.

Демак, Қашқадарё вилоят спорт қўмитаси раисини Қарши шаҳрида теннисning қай аҳволдалиги қизиқтирмайди. У киши, ўзи таъкидлаганидек, янада улуғвор ишлар билан бандлар. Биз шундай тушундик ва яна шаҳар ҳокимлигига келдик. Спортга мутасадди шаҳар ҳокими ўринбосари Иноят Шароповни учратиб, муддаомизни айтдик.

— Иноят ака, Қарши шаҳрида теннис кортлари ишламаётгани ҳақида анчадан бери гап-сўз бўлиб турипти. Тўрттасини бориб кўрдик. Ҳамон ишламаяпти. Нима дейсиз?

— Ҳа, биз ҳам анчадан бери ҳокимиятда гап-сўз қиламиз. Мана янги корт қурилиши ҳам бошланди. Аммо мавжуд кортлар... мураббийлар йўқлигидан иш юришмаяпти. Панжи Қаршиевга учранглар. Ҳозир келиб қолади.

Шошганича Панжи Қаршиев ҳам келиб қолди. 5-10 дақиқа гаплашишга улгурдик.

— Панжи ака, нега шаҳарда кортлар ишламаяпти?

— Бир ой олдин ҳам текшириб кетишганди. Мен нима қилай? Мураббий йўқ. Ўқув юртларида, ҳарбийлар шаҳарчасида ишлаяпти. Аммо митти тумандагилари, парк ичидагилари ҳақиқатан ишламаяпти. Эга йўқ.

— Уларнинг эгаси сиз эмасми?

— Менда на маблағ, на имконият бор. Ҳатто идорам ҳам йўқ. Ботир Эгамовга неча бор айтдим. Ёрдам қилмаяпти.

— Эгамов ҳам, ҳоким ўринбосари ҳам сизни билади, дейишаяпти-ку?

— Эгамовга айтишдан армоним қолмади. Шаҳар спортига ўзинг эга, маблағни ҳам ўзинг топ, дейди. Мана сузиш бассейнлари ҳам мураббий йўқлигидан ишламай ётипти. Эгамовнинг бўлса иши йўқ. Спорт мутахассиси эмас-да, жон куйдирмайди.

Қаршидан қайтар эканмиз, спортга мутасадди — шаҳар ҳокими ўринбосари Иноят Шароповнинг алоҳида урғу бериб, «Янги кортлар қурилиши бошлаб юборилди», деган гаплари хаёлимиздан ўтди. Шусиз ҳам шаҳардаги мавжуд кортлар «ҳеч кимга керак бўлмай», ҳувиллаб ётган бир пайтда янгилари кимга зарур бўлиб қолди экан? Ахир бу маблағни ортиқча ҳавога совуриш билан баробар эмасми?! Ахир бу республикада теннис спортини ривожлантириш ҳақидаги йўл-йўриқларга кўзбўямачилик билан ёндашиш эмасми?

**Ғози РАҲМОН,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**



*Таниқли шоир Тўлан Низом Бўз туманида, ёш қўшиқчиларнинг «Комолот-90» кўрик-танлови ғолиби Тўлқин Ҳайдаров эса Бағдод туманида истиқомат қилади. Шунга қарамай, бу икки ижодкор тез-тез учрашиб, ўзаро фикр алмашадилар.*

*Бу эса янги шеър, янги қўшиқ туғилишига сабаб бўлади.*

*СУРАТДА: шоир, Чўлпон мукофоти совриндори Тўлан Низом ва қўшиқчи Тўлқин Ҳайдаровлар.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

• *Хабарлар*

## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

***Тошкент санъат саройида шаҳар маҳаллалари аҳли, горнизон жангчилари ва ёшлар учун хайрия концерти бўлди.***

Томошабинлар учун лотерея ҳам ташкил этилди. Ютуққа Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасининг маҳсулотлари қўйилди.

«Ист баттерфляй» корхонасининг раҳбари жаноб Сампат Тошкентнинг турли ташкилотлари ўтказаётган хайрия тадбирларида иштирок этаётганини таъкидлади. Яқинда улар Ҳиндистоннинг «Маҳобҳорат» фильми бўйича телетанлов ташкил этишда ҳам ёрдам беришганди. Ўтган йили бу корхона Ўзбекистоннинг тадбиркор аёллари гуруҳининг Ҳиндистонга сафари харажатларини кўтарди.

**(ЎзА).**

## НОГИРОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Андижон шаҳрида фахрий жангчилар, Чернобиль фалокати иштирокчилари, кар-соқовлар ўртасида спартакиада беллашувлари кескин курашлар остида ўтди.***

Ногиронлар волейбол, мини футбол, шахмат-шашка, қўл кучи баҳслари бўйича мусобақалашдилар. Вилоят фахрий жангчилар уюшмаси ташаббуси билан бошланган ҳаракатта «Истиқлол инвест» компанияси ҳомийлик қилди. Шубҳасиз, муросасиз курашларда собиқ афғончиларнинг қўли баланд келди.

**Ш. ФОЗИЛЖОН,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Милициянинг оддий кунлари*

## ҲАММА ЙЎНАЛИШ МУҲИМ

Статистика маълумотларига кўра, республикада биринчи ярим йилликда транспортда содир бўлган жиноятларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан етти ярим фоиз камайди. Оғир жиноятлар 16,5 фоиз, хавфли жиноятлар 7,5 фоиз озайди. Лекин гиёҳвандлик ва бангифурушлик билан боғлиқ қонунбузарликлар сони сезиларли даражада ошди, бундай жиноятлар ўтган йилга нисбатан 4 фоиз кўпайди. 6 ой ичида транспорт милицияси хизмати ходимлари томонидан ноқонуний йўл билан олиб кетилаётган 1,5 центнер наркотик моддалар қўлга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг транспорт милицияси бошқармасининг оператив кенгашида шу рақамлар келтириб ўтилди. Кенгашда транспортда ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматининг ўтган ярим йилликдаги иш якунлари ва бундан буёнги иш самарадорлигини оширишга доир вазифалар муҳокама қилинди. Кенгаш иштирокчиларининг таъкидлашича, маъруза ва нутқларда қилинган таҳлиллар транспорт милицияси бўлимлари ва бўлинмаларининг оператив-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш ва ташкилий фаолияти йўналишларини яхшилашга имкон беради.

Муҳокама чоғида бугунги кунда транспорт милициясининг фаолиятида муҳим бўлмаган соҳанинг ўзи йўқлиги таъкидлаб ўтилди. Бангифурушликка ва наркотик моддалар республика ҳудуди орқали олиб ўтилишига қарши курашни кучайтириш билан бирга транспорт орқали ташилаётган халқ хўжалик юклари, фуқароларнинг шахсий буюмлари дахлсизлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборни талаб қилади.

**(ЎзА).**


**Ташкилот таклиф этади:**

1. *"SINO-303"* совуткичлари.
2. *"Семург"* телевизорлари.
3. *"DAEWOO"* қўшвидеолар.
4. *386, 486 DX* компьютерлар.
5. *"PANASONIC" - 130, 230, 500, 700* телефакслар.
6. *" CANON" - 300, 310, 320, 330* ксероксlar.
7. Телефон аппаратлари.
8. Калькуляторлар.
9. *БК-1800, БК-2300* кондиционерлари.
10. Биллур буюмлар, қандиллар.
11. ТБК ларни арматуралаш учун симлар.
12. Ипдан тўқиш учун 4-5 мм. симлар.
13. Пахта учун бандаж (қулло)лар.
14. Комбинезонлар, қўлқоплар.
15. Идора товарлари.
16. Вентиляторлар.
17. *ДРЛ- 400* лампалари.

**Манзил:**
*Тошкент, Ҳалқлар Дўстлиги кўчаси,100.*
*Телефонлар:* ***72-98-17, 79-47-74.***

***Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси қарамоғидаги бирлашган давлат хўжалик ҳисобидаги марказ***

**"Йўловчитранссервис"**

***1995 йил 29 мартдан Тошкент шаҳар ҳудудида транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи "М" серияли муддатсиз ва "В" серияли вақтинчалик гувоҳномалар қуйидаги тоифа йўловчиларга берилишини***

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**"М" СЕРИЯ**

✱ *собиқ СССР давлатини ҳимоя қилиш вақтида яраланган, контузия бўлган, ҳарбий хизмат бурчини адо этиш вақтида ҳамда иккинчи жаҳон урушида қатнашганлиги сабабли касалга чалиниб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига, хотинига берилади;*
✱ *«Совет Иттифоқи Қаҳрамони», «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» ва «Шуҳрат» орденининг 3 даражасига эга бўлганлар;*
✱ *шахсий нафақа олувчилар;*
✱ *нафақа дафтарчасида ижтимоий таъминот қўмитаси томонидан берилган қўшимча ҳужжати борлар;*
✱ *йўловчи ташиш транспортида 15 йилдан кам ишламаган трамвай- троллейбус ҳайдовчилари ва шулардан иш вақтида жароҳат олиб ногиронлик нафақасига чиққанлар (метродан ташқари);*
✱ *"Соғлом авлод учун" ордени 1, 2 -даражаси билан мукофотланганлар;*
✱ *Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти фахрийси;*

**"В" СЕРИЯ**

✱ *"Тошшаҳарйўловчитранс"нинг бошқарма ходимлари, йўловчи ташиш ишчилари, текшириш-қоидага солиш бошқармаси ва уюшма тафтиш хизмати ходимлари;*
✱ *етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан чиқиб, болалар уйида, мактаб-интернат, ўрта ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта-махсус билим юртларида таълим олувчилар;*
✱ *яхши асари, илмий иши учун Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотига сазовор 30 ёшгача бўлган ёш муаллифлар;*
✱ *"Соғлом авлод учун" фондининг марказий аппарат ишчилари қоидага мувофиқ хизмат бурчларини бажариш вақтида;*
✱ *Тошкент метрополитени машинисти метрополитенда 15 йилдан кам ишламаган, шу ишдан нафақага чиққан ҳамда ногиронлиги туфайли ишдан бўшатилган, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлганлар.*

**Бизнинг манзилимиз:**
700125, Тошкент, Темур Малик кўчаси, 3"а",
*3-сон трамвай-троллейбус саройи.*
Телефонлар: 63-19-36, 63-38-96.

*Бухгалтерлар, сизлар учун!*

**Юқори сифатли қоғоздан тайёрланган, нархи арзон бланка маҳсулотлар.**
***Тўлов фармойишлари, кирим ва чиқим касса ордерлари ва бошқалар- жами 15 турда.***

- ☐ *Қаттиқ муқовали 100 варақли дафтарлар:*
- ☐ *кассага оид;*
- ☐ *асосий;*
- ☐ *иш ҳақи ёзиладиган.*
- ☐ *муомаладаги (сальдовий);*
- ☐ *товар-моддий счётлар бўйича муомаладаги;*
- ☐ *ўраш учун мўлжалланган -Ф. 84;*
- ☐ *ёзишга мўлжалланган - Ф А-3, А-4;*
- ☐ *шарикли ручкалар;*
- ☐ *папка ва скоросшивателлар;*
- ☐ *ён дафтарчалар.*

*Фирма ва кичик корхоналарни савдо юзасидан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.*

**Ҳақ тўлаш– пул ўтказиш ва лимитланган чеклар орқали.**
***Манзил:*** *Тошкент, Муқимий кўчаси, 190, "Средазтехэнерго" биноси, 2-қават,299-хона.*
***Телефонлар:*** ***77-94-56, 77-94-59,*** *соат 9 дан 13 гача.*
***Транспортлар:*** *Ҳамза метро бекати, трамвай: 4, 9; автобус: 34, 77. «Оқтепа майдони» бекати.*

**Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!**



***"Тридцать Плюс"*** ***кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.***
***"Тридцать Плюс"*** ***нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.***



*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*
" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
*Тошкент, 700060, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси: (3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси: (3712) 47-98-90.*

"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.

*"ЭМАЛЬ"*

**акционерлик уюшмаси**

**корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекланмаган миқдорда тавсия этади.**
***Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин.***
***"Эмаль" акционерлик уюшмасининг манзили:***
***700015. Тошкент, 3-тор кўча Фарғона йўли, 73.***
***Маълумот учун телефонлар:***
***91-56-20, 34-31-19.***

*Биз сизни кутамиз!*





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001   Буюртма Г. — 0303.   51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.   Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.   Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.   Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.   Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.30.   1 2 3 4 5 6